# МЕҲНАТ ИНТИЗОМИ ПАРТИЯ НАЗОРАТИДА БЎЛСИН

**МАРКСИЗМ-ленинизм университетида Тошкент партия комитетлари секретарларининг «Думалоқ стол атрофида»ги учрашуви бўлиб ўтди. Уни шаҳар партия комитети «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари редакциялари билан ҳамкорликда уюштирди. Учрашув қатнашчилари КПСС Марказий Комитети ноябрь (1982 йил) Пленуми қарорларини бажариш юзасидан партия комитетларининг ташкилотчилик ва сиёсий ишлари масалаларини муҳокама қилдилар.**

**Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг иккинчи секретари К. П. Дудин учрашувни очиб шуни таъкидладики, шаҳар партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг май ва ноябрь (1982 йил) Пленумлари қарорларини бажара бориб, партия ташкилотларининг жанговарлигини ошириш юзасидан аниқ мақсадга қаратилган иш олиб бормоқдалар, омманинг ғайрат-шижоатини ошириб, меҳнат коллективларини янада мустаҳкамламоқдалар.**

**Шаҳар саноати биринчи квартал планини муддатидан илгари бажарди, планга қўшимча салкам 12 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 5,6 процентни ташкил этди, бу ўсишнинг салкам 70 процентига меҳнат унумдорлигини ўстириш ҳисобига эришилди.**

**Шаҳар бинокорлари шу йилнинг ўтган уч ойи мобайнида 85 миллион сўмликдан зиёд қурилиш-монтаж ишлари бажаришди, турар жойларни фойдаланишга топшириш плани бажарилди. Умуман алоқа корхоналари, илмий тадқиқот ва лойиҳалаш ташкилотлари, умумий овқатланиш ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналари муваффақиятли ишламоқда. Шаҳар партия ташкилотлари СССР Озиқ-овқат программасини амалга оширишда меҳнат коллективларининг актив қатнашишига эътиборни қаратмоқда.**

**КПСС XXVI съезди, партия Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари ўртага қўйган хўжалик-сиёсий ва ғоявий-тарбиявий вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш экономика ва маданий қурилишнинг олдинги марраларида бораётган бошланғич партия ташкилотларининг жанговарлиги ва ташаббускорлигига боғлиқдир. Яқинда Тбилисида бўлиб ўтган Бутуниттифоқ илмий-амалий конференциясида шу ҳақда гап борди. Унда меҳнаткашларнинг ижтимоий ва ишлаб чиқариш активлигини ошириш, интизомни мустаҳкамлаш, иш услубини такомиллаштиришда бошланғич партия ташкилотларининг ролини ошириш масалалари муҳокама этилди.**

**Партия ташкилотлари шу муносабат билан кўпгина масалаларни ҳал этишлари лозим. Шунга эришиш керакки, ишлаб чиқаришнинг барча звеноларида, ҳар бир бригада, цех, бўлим ва корхонада интизом қонун тусини олиши керак.**

**КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1982 йил) Пленуми белгилаб берганидек, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини оширишнинг энг катта резерви кадрлар қўнимсизлигини қисқартириш, прогулга, ишга кечикиб келишларга қарши курашиш, маъмурият рухсати билан отпуска беришларни қисқартиришдир. Коммунистлар бундай ҳолларга асло тоқат қила олмайдилар. Партия ташкилотларининг вазифаси хўжасизлик, маҳаллийчилик, давлат манфаатларини унутиб қўйиш ҳолларига қарши муросасиз кураш олиб бориш, ишлаб чиқаришнинг барча звеноларида иш аниқ-пухталигини кадрлардан қаттиқ туриб талаб қилишдир.**

**Меҳнат коллективи жамиятнинг бутун ҳаётини акс этадиган бошланғич ячейка ҳисобланади. Унинг ядроси эса партия ташкилотидир. Шунинг учун ҳам меҳнат коллективи, партия ташкилоти онгли меҳнат интизомини мустаҳкамлашда алоҳида роль ўйнашлари лозим. Ташкилий-техникавий тадбирлар ҳуқуқий тадбирлар билан уйғунлашиб кетмоғи, коллективлар ўртасида кенг ташкилотчилик ва ғоявий-тарбиявий иш олиб бориш билан мустаҳкамланмоғи керак. Ҳамма жойда меҳнат коллективлари, ишчи ва хизматчиларнинг «Меҳнат коллективи тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини муҳокама қилишга бағишлаб йиғилишлари бўлиб ўтмоқда.**

**Бошланғич партия ташкилотларининг секретарлари «Думалоқ стол атрофида»ги учрашувда КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1982 йил) Пленуми қарорлари бажарилишининг боришини муҳокама қилдилар, уни амалга ошириш бўйича тўпланган иш тажрибалари билан ўртоқлашдилар. Бугун «Думалоқ стол атрофида» учрашуви қатнашчиларининг сўзларини эътиборингизга ҳавола этяпмиз.**

## ЮТУҚЛАР ГАРОВИ

**М. СЕСЮНИНА.**
**Тошкент абразив комбинати партия комитети секретари.**

— 1983 йил ва ўн биринчи беш йиллик топшириқларини бажариш учун давлат, меҳнат ва партиявий интизомни янада мустаҳкамлаш тобора катта аҳамият касб этади.

КПСС Марказий Комитетининг ноябрь Пленумидан сўнг барча 10 цех партия ташкилотида шу масалага бағишлаб очиқ партия йиғилишлари ўтказилди.

Намунали интизомни йўлга қўйишни партия ташкилоти ўзининг бош вазифаси деб билади. Бунга қандай эришяпмиз? Энг аввало барча жамоат ташкилотларининг ташкилотчилик, ғоявий-сиёсий ишларини кучайтириш туфайли, албатта. Бугина эмас. Ишнинг янги самарали формаларини излаш ҳам бунда катта ёрдам беряпти. Комбинатдаги ишларнинг аҳволини синчиклаб ўрганиш шуни кўрсатдики, бизда ҳали ҳал этилмаган масалалар бор. Комбинатда меҳнат интизоми, кадрлар қўнимсизлигини камайтириш (бу икки масала бир-бири билан боғлиқ, албатта) ва иш вақтини йўқотишларни қисқартириш ҳали шу кун талабларига жавоб бермайди. 1982 йилда фақат прогуллар ҳисобигагина 389 киши-куни йўқотилган. Бу вақт ичида 11-минг сўмлик маҳсулот тайёрлаш мумкин эди.

Касаба союз ташкилоти, меҳнат интизомига риоя қилиш комиссияси, тартиб бузилишлари профилактикаси, ичкиликбозликка қарши кураш комиссиялари, ўртоқлик суди, цех ва участкалар маъмуриятининг биргаликдаги куч-ғайрати билан интизомни бузувчиларга муросасизлик вазияти яратилди. Натижада шу йилнинг биринчи кварталида ишга кечикиб келиш 2,5 марта, прогуллар 7,5 процент камайди. Ўзбекистон ССР Госплани ҳузуридаги НОТ республика маркази билан тузилган шартнома ҳам бизга кадрлар қўнимсизлигини янада камайтириш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш бўйича зарур тадбирлар ишлаб чиқишга ёрдам беради. Ҳозирча эса интизомни бузувчиларга қарши курашда биз жамоатчилик фикри, ошкоралик, жамоатчи кадрлар бўлими, ўртоқлик суди каби таъсир кўрсатиш формаларидан етарлича фойдаланмаяпмиз.

Меҳнат унумдорлигини оширишда, интизомни яхшилашда бригада усули қудратли воситадир. Тўғри, бригада ҳам бундан тўла ҳоли эмас, лекин бригадада шахс билан коллектив манфаатлари бир-бирига узвий боғланиб кетади. Масалан, ишга кечикиб келган ёки ичкиликбозликка қарши маъмурият йиллар давомида чора кўрса, бригада бир неча ой ичидаёқ бу масалани ҳал этади-қўяди. Коммунист Мамлиев раҳбарлик қилаётган ремонт-қурилиш бошқармаси бригадасида прогул, ишга кечикиб келиш, ичкиликбозлик нималигини билишмайди.

Меҳнат коллективлари тўғрисида СССР Қонуни лойиҳасининг 9-моддасида меҳнат коллективларининг меҳнат интизомини таъминлашдаги роли, интизомни бузувчиларга қандай таъсир кўрсатиш, илғорларни рағбатлантириш тадбирлари конкрет белгилаб берилган.

Комбинатимиз коллективи бир маромда иш олиб боряпти. 1982 ва 1983 йилнинг биринчи квартал планлари барча асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича бажарилди. Товар маҳсулоти ишлаб чиқариш ва реализация қилиш топшириқлари ошириб бажарилди. 1982 йилда кадрлар қўнимсизлиги 1981 йилга нисбатан 2,7 процент қисқарди.

Цех, бригада, участкалар иш якунларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, улар орасида ўз план ва социалистик мажбуриятларини бажармаётган биронта ҳам коллектив йўқ, ўз нормасини бажармаётган ишчи ҳам йўқ. Бу шундан яққол далолат бериб турибдики, комбинатнинг мутлақ кўпчилик ходимлари ўртасида интизом яхши йўлга қўйилган. Партия комитети партиявий интизомга риоя қилиш, ҳар бир коммунистнинг партия Уставига риоя қилишига алоҳида эътибор бермоқда. Ўз қўлидаги барча воситалардан партия ташкилотининг янада мустаҳкам, жанговар, ўз олдига қўйилган вазифаларни бажаришга қодир бўлиши учун фойдаланмоқда.

## ИШ ВАҚТИ ЙЎҚОЛИШИГА ЧЕК ҚЎЯЙЛИК

**В. ШУКУРОВ,**
**«Главташпассавтотранс»нинг 2519-автоколоннаси партия бюроси секретари**

— Коллективимизда автоколонна ходимларига баҳо беришнинг, илғорларни мукофотлаш ва тартиббузарларни жазолашнинг аниқ тадбирлари ишлаб чиқилган. Масалан, меҳнат интизомини бузишларнинг шахсий учёти йўлга қўйилди. Автоотрядлар ва бошқаларда жамоатчилик асосида ишлайдиган кадрлар бўлимлари ташкил этилди. Дастлабки кезларда баъзи ишчилар бу тадбир вақтинчалик бўлса керак деб ўйлашган эди. Лекин кўп ўтмай бутун коллектив ҳар бир кишининг интизоми ва уюшқоқлиги қанча юқори бўлса, иш самараси шунчалик ошишини тушуниб олди.

Бизда меҳнат шароитини назорат қилиш, ҳаракатларнинг аниқлигини кузатиш, график бўйича иш олиб бориш қатъий йўлга қўйилган. Қисқаси, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, иш вақтидан оқилона фойдаланиш бўйича етарлича тажриба тўплаганмиз.

Аммо ҳали ҳал қилишимиз лозим бўлган муаммолар йўқ эмас. Шахсий интизом қачон юқори бўлади? Агар ишлаб чиқариш, ташкилий интизом ҳам юқори бўлса. Бир мисол келтириб ўтмоқчиман. Яқинда Б. Акмалов бошчилик қилаётган иккинчи отрядда шундай воқеанинг гувоҳи бўлдим. Умуман олганда яхши ишлаётган ҳайдовчи йўлга 35 минут кечикиб келди. Отряд бошлиғи сабабини сўраган эди, ҳайдовчи ўзини оқлай бошлади. Айб менда эмас, деди. Биз буни муфассал аниқладик. Маълум бўлишича, ҳақиқатан ҳайдовчи айбдор эмас экан. Механик машинани текширган. У созланган экан. Автобус йўлга шай қилиб қўйилган-у тунда эса баллон бўшаб кетган. То унга дам бергунча линияга кечиккан.

Бизнинг автоколоннамизда ишга кечикиб келишлар, прогулларга, ҳеч бир ҳужжатсиз ишга келмай қолиш ҳолларига ҳали тўла барҳам берилган эмас. Масалан, апрель ойида слесарь Аҳмедзянов кайф ҳолда ишга келди. Комиссия уни бўшатишга қарор қилди. Партия ва касаба союз ташкилотлари меҳнат интизоми комиссиясининг бу қарорини маъқуллади. Апрель ойида шунингдек ўн ҳайдовчи ва икки кондукторга ишга кечикиб келгани ва ҳеч бир ҳужжатсиз ишга келмай қолгани учун виговор берилди.

Яқинда автоколонна партия бюроси мажлисида бош инженер Р. Ғоиповнинг ахбороти тингланди. У ремонт зонасидаги меҳнат интизоми борасида йўлга қўйилаётган камчиликларни очиб ташлаши керак эди. Партия бюроси бош инженерга ремонт зонасида интизом бўшашиб кетгани ҳақида жиддий танбеҳ берди. Ҳақиқатан Р. Ғоипов бу танқиддан тўғри хулоса чиқарди ва шу йилнинг биринчи кварталида машиналар шайлигини таъминлади.

Партия бюросининг кенгайтирилган мажлисида шунингдек, отряд бошлиқлари А. Алимов, Б. Акмалов, Б. Сантовларнинг ахборотлари тингланди, кўпгина нуқсонлар аниқланди.

Автоколоннамиз коллективи КПСС Марказий Комитетининг ноябрь Пленуми қарорларини бажара бориб, Тошкентнинг 2000 йиллик юбилейини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақага қўшилиб, бутун куч-ғайратини шаҳримизнинг илғор корхоналари сафидан муносиб жой олишга қаратмоқда.

**КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленуми қарорлари — амалда • Коллективларни зарбдор меҳнатга сафарбар этиб • Меҳнат коллективи тўғрисида СССР Қонуни лойиҳасини муҳокама қиламиз • Юксак ишлаб чиқариш самарадорлиги учун • Меҳнат интизоми масалаларига комплекс ёндашайлик.**

## ТАЪМИНОТГА — АНИҚ МАРОМ

**Т. КРУШЕЛЬНИЦКИЙ,**
**«Узбекхлопкомаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг Тошкент машинасозлик заводи партия комитети секретари**

— Бирлашма партия комитети номенклатурадаги планларнинг бажарилиши, шартнома мажбуриятларини бажаришни таъминлаш масалаларига доимо эътибор бериб келмоқда. Барча план кўрсаткичларини сўзсиз бажариш бўйича тадбирлар белгиланган.

Режаларнинг қандай бажарилаётгани партком мажлисида, бирлашма партия йиғилишида кўрилди. Барча цех партия ташкилотларида план-кўрсаткичларини бажариш масалалари кўриб чиқилди. Ҳозир бу борада бирмунча ютуқларга эришилди. Партия комитети бир қатор масалаларни янада чуқурроқ кўриб чиқди. Масалан, меҳнат интизоми ва кадрлар қўнимсизлигини қисқартириш масаласи муҳокама этилди. Белгиланган тадбирлар натижасида кадрлар қўнимсизлигини камайтиришга, прогул, ишга кечикиб келиш ва маъмурият рухсати билан отпуска бериш камайди. План-топшириқларини бажаришдаги масъулият ошди.

Биз партком мажлисида мактаб ўқувчилари ва оталиғимиздаги билим юрти ўқувчиларининг меҳнат тарбиясини яхшилаш, касб танлаш бўйича ишларни яхшилаш юзасидан партия ташкилотининг вазифаларини муҳокама қилдик. Натижада билим юрти ўқувчилар қабул қилиш планини бажарди. Корхона учун мутахассислар тайёрлаш яхшиланди. Шу ойда партком маъмурият фаолиятини назорат қилиш комиссияси ишини яхшилаш бўйича қарор қабул қилди. Натижада у ўз ҳуқуқларидан янада тўлароқ фойдаланадиган, ишлаб чиқариш фаолиятига чуқурроқ кириб борадиган бўлиб қолди.

Шу билан бир қаторда партком ғоявий-тарбиявий иш бўйича партия ташкилотлари, бўлимлар ва жамоат ташкилотлари фаолиятини кўриб чиқди. Бригадаларда бу ишни яхшилаш бўйича тадбирлар белгиланди. Бригада усулини ривожлантириш ҳам меҳнат ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлашнинг муҳим омилларидан биридир.

Партком конструкторлик ишлари самарадорлиги ва янги техникага катта аҳамият беряпти. Бу масала умумий партия йиғилишида муҳокама этилди. Партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари бу йўналишда олиб борган ташкилотчилик ишлари натижасида икки йил ичида ўнта янги машина яратилди, бешта эски машина ишлаб чиқаришдан олиб ташланди. Янги техниканинг ишлаб чиқариш плани бажарилди. Саккиз хил маҳсулотга давлат Сифат белгиси берилди.

Коммунистлар бу ишда актив қатнашмоқдалар. Шу йилнинг март ойида партком завод план бўлимининг бошлиғи коммунист В. Жидкованинг таъминотни бажаришга кўмаклашувчи бир неча муҳим масалалар бўйича танқидий фикр ва таклифларини кўриб чиқди. Партком беш йилликнинг учинчи йили планини бажариш бўйича 1983 йил учун тадбирлар тайёрлаш комиссиясини тузган эди. Унинг тадбирларида барча масалалар қамраб олинганди. Партия комитети ва жамоат ташкилотлари уларни бажариш учун ҳозир бутун куч-ғайратни сафарбар этмоқда.

## АҲОЛИ УЧУН БУЮМЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ — ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА

**З. ЮСУПОВ,**
**Тошкент агрегат заводи партия комитети секретари**

— Партия комитети завод коллективи олдида турган асосий вазифалардан бири кенг истеъмол буюмлари турларини кенгайтириш ва уларни кўпайтириш деб билади. Партия комитети заводнинг техника совети билан биргаликда консервалаш учун машиналарга эҳтиёж қандайлигини ўрганди. Натижада бу машиналарни тайёрлаш ҳақида бир қарорга келинди. Чунки биз бундай машиналар тайёрлаш имконига эга эдик. Шундай қилиб кенг истеъмол буюмлари тайёрлаш йўлга қўйилди.

Мана ўн йилдирки, партия комитети кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш масаласини доимо диққат марказида тутиб келмоқда. Ўз йиғилишларида кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва сифатини яхшилаш тўғрисидаги масалани муҳокама этиб келмоқда.

Аввалари заводда 6—7 жойда кенг истеъмол буюмлари тайёрланарди. Баъзи раҳбарлар кенг истеъмол буюмларига деталь тайёрлашга иккинчи даражали аҳамият беришар, у асосий ишлаб чиқариш эмас-ку, деб ўйлашарди. Оқибатда маҳсулот сифати ва сони ошмасди. Партия комитети ва цех партия ташкилотлари бу масалани ўрганиб, кенг истеъмол буюмлари цехи ташкил этишни тавсия этишди.

Бу цех ҳозир асосий цехларимиздан ҳисобланади. Унда цехларимиз ташкилоти тузилди, энг муҳими участкаларга коммунистлар биркитилди. Иккита участкада эса кенг истеъмол буюмлари бўйича бюро ташкил этилди. Цех янги дастгоҳлар билан жиҳозланмоқда.

Замонавий ускуналар билан жиҳозланган кенг истеъмол буюмлари цехи яратилгани ва бу буюмлар ишлаб чиқариш тўғрисида ғамхўрлик қилинаётгани натижасида завод коллективи 1980 йилдаги 1 миллион 617 минг сўмлик ўрнига 1983 йилда 2 миллион 271 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш даражасига етди. Барча маҳсулот олий ёки биринчи категорияли сифат билан ишлаб чиқариляпти.

Бироқ, партия ташкилотининг кенг истеъмоли буюмлари турларини кенгайтириш ва уни ишлаб чиқаришни кўпайтириш бўйича олиб бораётган ишлари бугунги кун талабларига ҳали тўла жавоб беради деб бўлмайди. Шунинг учун ҳам заводимиз «Технолог» бирлашмаси билан биргаликда кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқарадиган янги цех лойиҳасини ишлаб чиқди. Яна тўрт хил буюм ишлаб чиқариш режалари тузилмоқда. Партия комитети кенг истеъмол буюмлари турларини кенгайтириш ва уларни кўпайтириш, сифатини яхшилаш бўйича планларни бажаришга қаратилган изчил ва аниқ ишлар олиб боряптики, бу заводимиз коллективи ўз олдига қўйилган вазифани муваффақиятли бажаради ва кенг истеъмол буюмларини ишлаб чиқаришни икки баравар кўпайтиради дейишга асос бўла олади.

## ЮКСАК ТАЛАБЧАНЛИК КЎРСАТИБ

**В. ДОРОХОВ,**
**11-«Висотстрой» трестининг партия комитети секретари**

— Партия ташкилотимизнинг барча ишлари айрим участкаларда эмас, балки ҳамма звеноларда интизомни қонунга айлантиришга қаратилган. Бригада бошланғич меҳнат ячейкаси ҳисобланади. Шунинг учун биз ишни бригададан бошладик. Йиғилиш ўтказиб, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини яхшилаш вазифаларини муҳокама қилдик. Унда интизомини яхшилаш, кадрлар қўнимсизлигини камайтириш бўйича 350 дан зиёд таклиф киритилди. Ҳар бир бригада коллективи қабул қилган социалистик мажбуриятларда меҳнат интизоми ҳам ўз аксини топди.

Маълумки, иш самарадорлиги ва сифатини ошириш, меҳнат унумдорлигини ўстириш, кадрлар қўнимсизлигини қисқартириш йирик резерв ҳисобланади. Биз бригада советида суҳбат ўтказгандан сўнг янги ишчини ишга қабул қиламиз. Партия комитети кадрлар бўлимига янги ишга келган ишчини ишлаб чиқариш шароити билан, ишдаги талаблар билан таништиришни топширди.

Биз интизомни бузувчиларга қаттиқ турамиз. Кўзга кўринарли жойда прогулчилар экрани бор. Шунингдек, бу ерда бир кунлик прогул давлатга ва бўлимга қанчалик қимматга тушиши кўрсатилган.

Юқори меҳнат унумига эришиш учун ишчиларга қулай маиший шароитлар яратиб бериш керак. Бу масала ҳам парткомда муҳокама этилди. Қурувчилар учун иссиқ овқат ташкил этилди. Йирик объектларда доимо ошхоналар мавжуд.

Партия комитети ишлаб чиқариш фаолиятининг барча томонларига партиявий таъсирни кучайтириш мақсадида ўз мажлисларида раҳбарларнинг ўзларига берилган партия топшириқларини ва ишлаб чиқариш топшириқларини қандай бажаришаётгани тўғрисидаги ҳисоботлари тингланмоқда.

## КОММУНИСТЛАР АВАНГАРД

**А. АБРАЛОВ,**
**«Ташкентхлеб» бирлашмаси партия комитети секретари**

— Бирлашмамизда ишлаётган ҳар саккиз кишининг бири КПСС аъзоси ёки аъзоликка кандидатдир. Коммунистлар барча иш ва ташаббусларга бош-қош бўлмоқдалар.

Партиявий таъсир савияси энг аввало коммунистларнинг меҳнат коллективи ўртасида авангардлик қилишига боғлиқ, албатта. Беш йиллик ва 1983 йил планларини ошириб бажариш учун курашда бу яққол намоён бўлмоқда. 1982 йил июль ойида «КПСС XXVI съезди қарорларини бажаришда бирлашма коммунистларининг авангардлиги тўғрисида»ги масала очиқ партия йиғилишида муҳокама этилди. Доклад ва музокараларда коммунистларниинг ишлаб чиқаришдаги ва турмушдаги партиявий интизомига батафсил тўхталиб ўтилди.

Меҳнатда намуна бўлиш коммунистнинг бурчидир. Бирлашма партия ташкилоти бу масалага доимо эътибор бермоқда.

КПСС аъзоси, Ленин комсомоли мукофоти лауреати С. Тўхтамуродов бошчилик қилаётган бригада ўн биринчи беш йилликнинг уч йиллик планини В. И Ленин туғилган куннинг 113 йиллигига бажарди. Бу бригададан яна тўртта бригада намуна олиб, ўз зиммасига оширилган мажбурият қабул қилди.

Меҳнат интизомини мустаҳкамлаш доимий ишдир. Шунинг учун ҳам биз КПСС аъзолари ва аъзоликка кандидатлар билан индивидуал иш олиб боришни яхшилашга интиляпмиз. Уларнинг КПСС Устави талабларини ва ўз вазифаларини қандай бажараётганликлари ҳақидаги ахборотларини муҳокама қилиш катта аҳамият касб этмоқда. 1982-83 йилларда коммунистлардан — 4-завод партия ташкилоти секретари А. Котовский, халқ контроли группаси раиси М. Глотова, бирлашма кадрлар бўлими бошлиғи Х. Хайруллиналарнинг Устав талабларини қандай бажаришаётгани муҳокама этилди. Уларнинг ҳисоботларини тинглаш пайтида баъзи камчиликлар аниқланди ва уларга эътибор қаратилди.

Партия комитети коммунистларнинг ҳисоботларини тинглар экан, улар ҳаётининг ҳамма томонларини комплекс ҳисобга олишга интилмоқда. Масалан, 1982 йил декабрь ойида КПСС аъзоси, 3-завод директори Н. Муродовнинг план ва социалистик мажбуриятларни бажаришда коллективга қандай раҳбарлик қилаётгани ва уни сафарбар этиши тўғрисидаги ҳисоботи тингланди. Коллективга раҳбарлик бўшашиб кетгани аниқланди. Натижада партия комитети Н. Муродовни партиявий жавобгарликка тортди.

Бирлашма партия комитети бу ишни муттасил такомиллаштириб бормоқда. Токи ҳар бир коммунист партия нормаларига қатъий риоя қилсин ва меҳнатда бошқаларга намуна бўлсин.

## ХАЛҚ МУЛКИНИ САҚЛАШ УЧУН КУРАШДА

**Л. ЗЕМСКОВА,**
**сут саноати ишлаб чиқариш бирлашмаси партия бюроси секретари**

— Бирлашмамиз партия, касаба союз ташкилотлари бирлашманинг корхоналарида социалистик мулкни асраб-авайлаш, талон-тарожлик ҳолларига барҳам бериш бўйича изчил иш олиб боряпти.

Партия бюроси ва партия йиғилишларида социалистик мулкни асраб-авайлаш масалалари муҳокама қилиняпти. Корхона, цех ва бўлим раҳбарларининг шу масала бўйича ҳисоботлари тингланяпти. Барча участкаларга коммунистлар социалистик мулкни сақлаш учун масъул қилиб тайинланган. Улар вақти-вақти билан партия бюросида ўзларига биркитилган участкалардаги ишларнинг аҳволи ҳақида ҳисоб бериб туришади. Партия ташкилоти раҳбарлиги остида сутни тежаш бўйича катта ишлар қилинди. Бироқ бирлашмада майда талон-тарожлик ҳолларига тўла барҳам берилган эмас. Бундай ҳоллар меҳнат коллективида муҳокама этилади, сабаблари аниқланади, айбдорлар жазоланади.

Халқ контроли группаси мунтазам рейдлар ўтказиб турибди. Текширишлар натижаси бўйича қатъий чоралар кўрилмоқда. Масалан, аппарат цехи смена мастери Р. Аҳмаджонова социалистик мулкни асраб-авайлашни таъминламагани учун аппаратчи вазифасига ўтказилди. Цех бошлиғи Ж. Пеккерга виговор берилди.

КПСС Марказий Комитети ноябрь (1982 йил) Пленумидан сўнг партия ташкилоти, партия бюроси аъзолари бу борадаги ишларни янада активлаштириб юборишди. Коллективда талон-тарожлик ҳолларига қарши муросасизлик вазияти яратилган. Партия ташкилоти социалистик мулкни сақлаш учун курашни кундалик ишга айлантирди. Социалистик мулкни сақлаш комиссияси ҳам ўз ишларини активлаштириб юборди. Натижада майда талон-тарожлик ҳоллари анча камайди. Бирлашма партия ташкилоти КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1982 йил) Пленуми қарорларини бажаришга ўзининг бутун куч-ғайратини сафарбар этади, бирлашма корхоналарида социалистик мулкни сақлаш учун курашни янада кучайтиради.

**«Думалоқ стол» атрофидаги суҳбатда шунингдек, В. И. Ленин номли электрон-техника заводи партия комитетининг секретари У. Худойберганов ҳам сўзга чиқди. У партия комитети ходимларининг меҳнат, маиший ва дам олиш шароитларини яхшилаш масалаларида касаба союз ташкилотига қандай раҳбарлик қилаётгани тўғрисида гапириб берди. КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1982 йил) Пленуми қарорларини бажариш бўйича партия комитетларининг ташкилотчилик ва сиёсий ишларини янада яхшилаш юзасидан ўз фикрлари ва таклифларини айтди. Шу учрашувда қатнашган партия комитетлари секретарлари ўзаро фикр алмашдилар. Сўзга чиққанлар шуни таъкидлашдики, КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1982 йил) Пленуми қарорлари, Тбилиси шаҳрида бўлиб ўтган Бутуниттифоқ конференцияси қарорлари асосида партия ташкилотлари олдида мураккаб ва кўп қиррали вазифалар турибди, уларни бажаришга пухта ўйлаб, комплекс ёндошиш керак.**

**Коллективда шундай вазият яратиш керакки, ҳалол, фидокорона меҳнат қилаётганлар рағбатлантирилсин, ҳурматга сазовор бўлсин ва қўллаб-қувватлансин. Интизомни бузувчилар эса ўз хатти-ҳаракатлари учун жавобгарликни ҳис этсин.**

**Ишлаб чиқариш илғорлари тажрибасини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, бошқаларни улар намунасида тарбиялаб партия ташкилотлари юқори унумли меҳнатни рағбатлантириш масалаларига чуқур кириб боришлари лозим.**

**Партия ташкилотлари белгиланган тартибни бузиш ҳолларини барча меҳнаткашларга маълум қилишлари, ўртоқларига панд берган кишиларни кўпчилик олдида уялтиришлари керак. Шу мақсадда касаба союз, комсомол ташкилотлари, ишчи йиғилишлари, ўртоқлик судлари, тартиб бузилишлари профилактикаси советларидан янада яхшироқ фойдаланиш керак.**

**Интизомни ҳар томонлама мустаҳкамлаш учун курашни кучайтириш муҳим хўжалик-сиёсий вазифа ҳисобланади, деб таъкидлашди сўзга чиққанлар. Коммунистлар барча меҳнаткашларни ўз ортларидан эргаштиришлари, юқори меҳнат унумдорлигига эришишлари, иш сифатини яхшилашлари керак. Бу мақсадга эришиш беш йиллик учинчи йили планларини бажаришда, халқ фаровонлигини оширишда, давлатимизнинг иқтисодий қудратини мустаҳкамлашда жуда катта аҳамиятга эгадир.**





СУРАТЛАРДА: «Думалоқ стол» атрофида учрашув; минбарда Тошкент абразив комбинати партия комитетининг секретари М. Сесюнина.

М. Нуриддинов фотолари.

